
Цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш ишлари Навбаҳор маҳалла фуқаролар йиғинида давом этмоқда

Фурқат туманида таъмирталаб ички йўлларни цемент-бетон қопламага ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Манзилли дастур асосида тумандаги 7 та аҳоли яшаш пунктида 10 км.дан зиёдроқ масофада ана шундай ички хўжалик йўллари қурилиши белгиланган.

Айни кунларда Навбаҳор маҳалла фуқаролар йиғинидаги Темир йўлчи-3-5 кўчаларида 800 метр ички йўллар цемент-бетон қоплама билан қайта қуриш ишлари бошланди.

Цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш ишлари манзилли дастур доирасида белгиланган бошқа маҳаллалар бўйлаб ҳам давом этади.

2022-10-07 17:46:17